

BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ - БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ
ОМИЛИ СИФАТИДА**

Қосимов Махаматжон

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти, и.ф.н., доц.*

Аннотация: *Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши экспортни янги механизмларини яратиш, экспортёрларни рағбатлантириш, экспортни диверсификациялаш, давлат томонидан экспортни қўллаб қувватлашни тақазо этади. Ушбу мақолада пандемия шароитида Ўзбекистоннинг ташқи савдоси ва унинг баъзи кўрсаткичлари таҳлил қилиб хулосалар берилган*

Калит сўзлар: *ташқи савдо, экспорт, импорт, ташқи савдо сальдоси*

Abstract: *Sustainable economic growth depends on creation of new mechanisms creation, stimulation of exporters, diversification of export as well as government support. Some indicators of foreign trade of Uzbekistan were analyzed in pandemic situation.*

Keywords: *foreign trade, import, export, deficit of foreign trade*

Аннотация: *Устойчивое развитие экономики зависит от разработки новых механизмов экспорта, стимулирование экспортёров, диверсификации экспорта, государственной поддержки экспорта. В данной статье анализируются некоторые показатели внешней торговли и сформулированы соответствующие выводы.*

Ключевые слова: *внешняя торговля, экспорт, импорт, сальдо внешней торговли*

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халққа мурожатномасида 2021 йилги асосий иқтисодий вазифалардан бири “янги экспорт бозорларига чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим”³ эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг самарали ташқи савдосини олиб боришни, барча ҳудудлар ва секторларнинг экспорт салоҳиятини мутассил ошириб боришни тақазо этмоқда.

Ташқи савдо борада охирга йилларда катта ўзгаришлар амалга оширилди. 2021 йилда корхоналарга хом-ашё сотиб олиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилди. Экспорт қилувчиларга чет

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>. 29.12.2020

элда савдо уйлари ва дўконлар очилиши ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилмоқда.

“GSP+” тизими доирасидаги имтиёزلардан фойдаланган ҳолда Европа Иттифоқи бозорларига имтиёзли кириб маҳсулотларни сотиш имкони Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни эътироф этилиши, иқтисодийни либераллашуви билан боғлиқдир.

Бироқ иқтисодийни бир маромда барқарор ривожлантириш экспорни рағбатлантириш механизмларини янгилаш, экспортни диверсификациялаш, халқаро савдо институтлари билан яқин ҳамкорликни талаб этмоқда. Жумладан:

- МДҲ мамлакатларига билан инвестиция ва ташқи савдо бўйича самарали ҳамкорликни ташкил этиш, халқаро илғор тажрибалар асосида янги ўзаро манфатли бошқарув моделларини яратиш;

- Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида Ўзбекистоннинг аъзолиги асосида унинг ялпи ички маҳсулотини камида 3-4% гача оширишини таъминлаши ва бундан келиб чиқиб экспортчи корхоналарни рақобатдошлигини ошириш.

- Европа иттифиқи билан “GSP+” тизими доирасидаги имтиёزلарни мамлакатимизда самарали қўллаш.

- Ўзбекистонни экспортни диверсификациялаш, ташқи қарзни оптимал ва барқарор даражада олиб бориш каби вазифалар олимлар ҳамда тадбиркорлар олдидаги вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Хозирги даврда Ўзбекистоннинг енгил саноат маҳсулотлари ва мева – сабзавотлар маҳсулотлари Европа бозорларида ўз ўрнини топа бошлади. Пандемия шароитидаги қийинчиликларга қарамай 2020 йили Ўзбекистон 1 млрд. долларлик мева сабзавот маҳсулотлари экспорт қилди. 2021 йилда табиатни ноқулай келишига қарамай мева ва сабзавотларни экспортни 2020 йилга қараганда сезиларли кўпайиши кутилмоқда

“GSP+” тизимини амалга ошириш корхоналарга боғлиқдир. Улар маҳсулотларини Европа сифат сертификати ва стандарти талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш билан бирга маҳсулотнинг тан нархини камайтириш, қшилган қиймат занжирини самарали ташкил этиши ва тез ўзгарувчан бозор талабларига аввалдан тайёр бўлиб бориши лозим. Бу ўз навбатида олимлар ва ёш кадрлар олдида ҳам катта вазифаларни қўяди.

1. Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг ташқи савдоси ҳолати

Ўзбекистон хозирги даврда дунёнинг 174 мамлакати билан ташқи савдо соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйган. Ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши 2021 йилнинг январь-август ҳолатига қўра 9277,9 миллион АҚШ долларини (2020 йилнинг январь-август ҳолатига қараганда 20,1% камайган) импорт эса 15 685,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, мос равишда 20,9% га кўпайган. Натижада ташқи савдода пассив баланс - 6407,9 млн. долларни ташкил этди.⁴

⁴ <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/11915-65468794>

2021 йили ташқи савдода олтинсиз экспортни кўпайтирилиши кузатилмоқда. Мос равишда олтинсиз экспорт 5 803,5 миллион АҚШ долларидан 2021 йилига келиб 7 891,4 миллион АҚШ долларига ёки 36% га кўпайди. 2020 йили Ўзбекистон экспорти таркибида олтин асосий ўринни эгаллаган (33,8 фоиз) эди. Шунинг таъкидлаш керакки олтин асосан Буюк Британия ва Швецарияга унинг нархи кўтарилган вақтларда сотилди ва пандемия шароитида ундан устивор харидлар амалга оширилди, импорт талабларини бажаришда фойдаланилди. Шу сабабли 2020 йили Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотни кўпайишига (1,6 фоизга) эришган дунёдаги санокли мамлакатлардан бири бўлди.

1- жадвал

Ташқи савдо айланмасининг структураси (2020 январь – августдан 2021 йил январь – августгача млн. АҚШ доллари)

№		2020	2021	Ўсиш суратлари %
1	Ташқи савдо айланмаси	24 580,6	24 963,7	101,6
2	Экспорт	11 607,9	9 277,9	79,9
3	Товарлар	4 496,3	6 281,2	139,7
4	Хизматлар	1 307,2	1 610,2	133,2
5	Олтин	5 804,4	1 386,5	23,9
6	Импорт	12 972,7	15 685,8	120,9
7	Товарлар	12 207,5	14 664,6	120,1
8	Хизматлар	765,2	1 021,2	133,5
9	Сальдо	-1 364,8	-6 407,9	x
10	Товарлар	-1 906,8	-6 996,9	x
11	Олтинсиз	-7 711,2	-8 383,4	x
12	Хизматлар	542,0	589,0	x
13	Олтинсиз экспорт	5 803,5	7 891,4	136,0

Асосий тўрта ташқи савдо ҳамкорларимиз Хитой (19,2 %), Россия Федерацияси (17,9%), Қозоғистон (9,9%), Туркия (8,6%) бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг асосий 20 та ташқи савдо ҳамкорларидан Туркия, Қирғизистон, Афғонистон ва Тожикистон билан **актив ташқи савдо балансини** кузатиш мумкин. Қолган 16 мамлакатлар билан эса **пассив ташқи савдо балансини** кузатилди. Бу ҳолат экспортёр корхоналарни янада қўллаб қўвватлаш механизмларини яратишни давом эттириш кераклигини англатади.

Ўзбекистоннинг 2021 йил январь-август ҳолатига кўра ташқи савдо айланмаси 24 963,7 млн АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 383,1 млн АҚШ долларига (1,6%) кўпайди. Экспортни кўпайтириш салоҳияти барча векторларда мавжуд.

2 - жадвал

Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмаси (2021 йил январь - август ҳолати)

	Мамлакатлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	
1	Хитой	4 791,5	1 577,6	3 213,9	Пассив
2	Россия	4 472,5	1 274,7	3 197,9	Пассив
3	Қозоғистон	2 482,7	736,7	1 746,0	Пассив
4	Туркия	2 149,8	1 120,0	1 029,8	Актив
5	Қирғизистон	598,0	490,2	108,7	Актив
6	Германия	471,8	37,1	434,8	Пассив
7	Афғонистон	443,9	441,9	120,5	Актив
8	Туркменистон	418,1	120,5	297,6	Пассив

“Ҳарвард университети тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имконият ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”⁵.

Дарҳақиқат юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқларнинг экспорт салоҳияти илғор корхоналар мисолида намоён бўлмоқда. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилади.

3 - жадвал

Ўзбекистоннинг 2019-2021 йиллардаги асосий ташқи савдо ҳамкорлари

	Мамлакатлар	2019	2020	2021
	Хитой	4967,6	4020,8	4791,5
	Экспорт	1736,5	1187,0	1577,6
	Импорт	3231,1	2833,9	3219,9
	Россия Федерацияси	4105,6	3585,9	4472,5
	Экспорт	1575,2	933,0	1274,7
	Импорт	2530,3	2652,9	3197,9
	Қозоғистон	2238,9	1769,8	2482,7
	Экспорт	895,8	556,9	736,7
	Импорт	1343,1	1212,9	1746,0
	Туркия	1626,4	1230,4	2149,8
	Экспорт	773,1	553,5	1120,0
	Импорт	853,3	676,8	1029,8
	Корея Республикаси	1852,7	1448,9	1198,7
	Экспорт	64,7	29,0	32,4
	Импорт	1788,0	1419,8	1166,3

Ҳозирги кунда Ғозғондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги Технопарк каби саноат

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>. 29.12.2020

кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоён этмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳудудлар кесимида энг юқори ташқи савдо айланмаси Тошкент шаҳри – 9 967,6 млн АҚШ доллари (39,9%), Тошкент вилояти – 3481,5 млн АҚШ доллари ва Андижон вилоятига – 1 890,2 млн АҚШ доллари тўғри келмоқда.⁶

МДХ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий савдо – 9 467,1 млн АҚШ доллари, қолган мамлакатлар билан – 15 496,6 млн АҚШ долларига тенг бўлган. МДХ мамлакатларига экспорт 3 280,4 млн АҚШ доллари ва импорт – 6 186,7 млн АҚШ долларини ташкил этмоқда. Россиянинг Ўзбекистон билан МДХ мамлакатларидаги ташқи савдодаги улуши 47,2%ни ташкил этса, Қозоғистон билан биргаликда 73,4%ни ташкил этмоқда.

Асосий ташқи савдо ҳамкорларимиз, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Туркия билан охириги уч йилдаги ташқи савдо динамикаси қуйидагича:

Ўзбекистоннинг **Евроосиё Иқтисодий Ҳамкорлиги**даги ташқи савдосининг хиссаси 7 812,7 млн. АҚШ доллари, шундан экспорт 2 541,3 млн. АҚШ доллари. Таҳлилларнинг кўрсатишича аввало қўшни мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамкорлиги мамлакатларига экспортни кенгайтириш имкониятлари мавжуд ва уларни ишга солиш зарур бўлмоқда. Бундай ҳамкорлик Фарғона водийсидаги Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон вилоятлари ўртасида яққол намоён бўлмоқда.

2021 йилнинг август ҳолатига кўра Ўзбекистоннинг экспорт субъектлари сони 5 527 тасни ташкил этди. Уларнинг экспорт ҳажми 7 891,4 млн АҚШ долларини ташкил этиб 2020 йилнинг январь-август даврига нисбатан 36% га кўпайди.⁷

Ўзбекистонда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида пандемия шароитларида тадбиркорлар ҳамда экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича 2020 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар республика Ҳукумати томонидан мунтазам кўриб чиқилди. Жойларга чиққан ҳолда тадбиркорлар дуч келаётган масалаларни тезкор ҳал қилиш бўйича амалий ёрдам беришга қаратилган ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳамкорлик самараси коронавируснинг тарқалиши ва дунёдаги ноқулай иқтисодий вазият билан боғлиқ чекловларга қарамасдан ишлаб чиқариш ва экспорт суръатларини нафақат сақлаб қолиш, ҳатто ошириш имконини берди.

Чегараларнинг ёпилиши, хомашё ва бутловчи қисмларни етказиб беришда транспорт-логистика чекловлари ҳамда айрим корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши ташқи савдо ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатди. 2020 йилда импорт ҳажмининг 14,0 фоизга, хомашё товарлари, хусусан табиий газ ва мисга бўлган талаб ва нархларнинг тушиши ҳисобига экспорт ҳажмининг пасайиши кузатилди. Жаҳон иқтисодиёти босқичма-босқич тикланиши ва ташқи савдо операцияларининг янгилиниши ҳисобига 2021

⁶ <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/11915-65468794>

⁷ <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/11915-65468794>

йилда ташқи савдо ҳажмининг 2019 йилдаги инқироз давригача бўлган миқдорларга етказиш прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистонни 2021 йилда ташқи савдо ва кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишлари. Юқорида кўрсатиб ўтилган тармоқларнинг экспор салоҳияти илғор корхоналар мисолида намоён бўлмоқда. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Ҳозирги кунда Ҳозғондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги Технопарк каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоён этмоқда.

Жаҳон бозорига чиқишнинг тажрибадан ўтган асосий йўналишларидан бири иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш учун қулай ва жозибадор муҳитни яратишдир. “Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак. Умуман олганда, 2021 йилда 23 миллиард доллар кийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида техноген рудани қайта ишлаш заводи, шунингдек, республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади”⁸.

Ўзбекистонда прогнозга кўра, 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 7,5 млрд долларни, экспорт ҳажми эса 17 млрд долларни ташкил этади.

Чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ишига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва маҳаллий экспортчиларга самарали ёрдам кўрсатишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминланади.

Экспортни рағбатлантириш агентлиги раҳбариятига миллий экспортчилар билан ишлашни фаоллаштириш, хусусан, экспортни олдиндан молиялаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш, ички товарларни халқаро электрон тижорат сайтларига жойлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда жаҳон бозорларига ўзбек брендларини олиб чиқилади.

Ташқи савдо балансининг ва келгуси уч йилликдаги прогнозлари қуйидаги 4-жадвалда келтирилди.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>. 29.12.2020

**Ўзбекистоннинг 2019 – 2023 йиллардаги ташқи савдо
кўрсаткичлари (млн.АҚШ доллари)**

Кўрсаткичлар	2019 йил (ижро)	2021 йил (прогноз)	2022 йил (прогноз)	2023 йил (прогноз)
экспорт	17.5	19.2	21.1	23.2
импорт	24.3	22.7	24.3	27.7
сальдо	-6.8	-3.5	-3.7	-4.5

Ташқи савдо балансини узоқ муддатли барқарор ривожлантиришда Ўзбекистоннинг асосий активларидан бири (қисқа ва ўрта муддатда ер ости фойдали қазилмаларидан фойдаланиш: олтин, уран, мис ва б.) Ўрта ва узоқ муддатда (20-30 йиллар) - инсон капиталидан фойдаланиш бўлиши лозим. **Фан** (ихтиролар, янги технологиялар, маҳсулот намуналари), **инновация** (илмни коммерциялаштириш), **илмга асосланган иқтисодиёт** (қишлоқ хўжалигида гидропоника асосида унумсиз ерларда мева-сабзавотларни етиштириш, қуёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш каби) йўналишларда изчиллик фаолият олиб бориш лозим. Мисол учун, Бирлашган Араб Амирлигида инновациялар ва уларни коммерциялаштириш, унинг ялпи ички маҳсулотда нефт ва газни хиссаси 7% камайиб боришига олиб келган.

Хулосалар

1. Жаҳон иқтисодиётига, хусусан ташқи савдо ва инвестицияга пандемиянинг сальбий таъсири тўхтовсиз давом этмоқда. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланиш суратларини таъминлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш, самарали ташқи савдо сиёсатини олиб бориш долзарб муаммолардан биридир. Дунёдаги камдан - кам мамлакатлар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти 2020 йили 2019 йилга нисбатан Ялпи ички маҳсулотини 1,6 фоизга кўпайтирди.

2. Ташқи савдо ва инвестиция соҳасидаги асосий хулосалар куйидагилардан иборат: олтинсиз экспорт кўпайди, экспортни рағбатлантириш механизмлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, 2020 йили 210 хил янги маҳсулотлар илк бор жаҳон бозорида сотилди. Олимлардан бу борада фаоллик талаб этилмоқда.

3. Ташқи савдо фаолиятининг ижобий жихатларидан бири - 2020 ва 2021 йилларда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кўпайиши бўлди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли иқтисодий ислохотларга инвесторларнинг қизиқиши ошиб борди. 2020 йили 9.8 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Шундай 7 млрд АҚШ доллари тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ва 2,8 млрд. АҚШ доллари халқаро молия институтларининг молиявий ресурсларидир.

4. Экспортни кўллаб-қувватлаш натижасида 2023 йили экспорт 23,2 млрд долларга етиши прогноз қилинмоқда. Шу даврда ташқи савдо айланмаси 50,5 млрд долларга етиши прогноз қилинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056>. 29.12.2020
2. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/11915-65468794/> Mail.ru. 21 sept 2021
3. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/11915-65468794/> Mail.ru. 21 sept 2021
4. <http://www.evronews/> 2020.05.17
5. Review.uz (<https://review.uz/post/infografika-ozbekistonning-2021-yil-yanvar-fevral-oyi-uchun-tashqi-savdosi>)
6. Инфографика: Внешняя торговля Узбекистана за январь-август 2021 года